

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 110 (10.415)

2005 ЙИЛ 8 ИЮНЬ

ПОЙТАХТНИНГ ДИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

КЕЧА

● **ТОШКЕНТ** ахборот технологиялари университетида ўқитувчилар иштирокида таълим соҳаси самардорлигини яхшилаш мақсадида шу кунгача бажарилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йилгиликда Хиндистон ахборот технологиялари университети билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганлиги таъкидланди.

● **МИЛЛИЙ** матбуот марказида КЕЧА журналистика соҳасида миллий муқофот тасвиси этиш масаласига бағишлаб ўтказилган йилгиликда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамкорликларида уюштирилди.

● **"ИНТЕР-Роҳат"** ўзбек-америка қўшма корхонаси томонидан ённинг иссиқ жазирама кунларида болалар чакочини қондириш мақсадида олти турдаги салқин ичимликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

● **КЕЧА** Фуқаролар жамиятини ўрганиш институтида Сихат-саломатлик йили муносабати билан ўтказилган давра суҳбати "Соғлом оила — соғлом жамият асоси" деб номланди.

● **1-ТОШКЕНТ** педагогика коллежида "Энг иқтидорли ўқувчи" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

● **БУГУНДАН** Учтепа туманидаги 238, 245, 287-мактаблар қошида ёзги оромгоҳлар ўз фаолиятини бошлади.

● **КЕЧА** Сергели туман ўқувчилар ижодиёти марказида "Камолот" ЁИХ туман Кенгашининг Раёси этигилиши ўтказилиб, унда ёзги мавсумда "Камолот" ЁИХнинг туман бўлими томонидан амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар муҳокама қилинди.

● **ЎТГАН** кунги Александр Сергеевич Пушкин номидаги хўбдонда буюк шоир таваллудининг 206 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда танкили шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар ҳамда шеърят ихлосмандлари иштирок этишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Одатда яхши кунларда, тўю танталарда ўзбекистон карнай-сурнай садолари янграйди. Пойтахти-миздаги мухташам "Ўзкўргазмасавдо" кўргазмалар залида баралла янграган ана шундай садолар ҳам бугунги тантанадан дарак берди. Ушбу тантана — Тошкент шаҳар Савдо-саноат ярмаркасининг очилиш маросимига бағишланди.

Ярмаркалар

ПОЙТАХТ ИҚТИСОДИЁТИ НАМОЙИШИ

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган 140 дан зиёд саноат корхоналари, тadbirkorлик субъектлари иштирок этган Савдо-саноат ярмаркаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Либерал-Демократик партияси шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ярмаркани кириш сўзи билан очган Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида ўтказилаётган ушбу савдо-саноат ярмаркаси иштирокчиларининг миллий иқтисодиётимиз ривожига қўшаётган ҳиссаларини алоҳида таъкидлаб, тadbirkorларни шартнома ҳужжатлари уларнинг келгуси ютуғида, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш ҳажмининг ортишида муҳим ўрин тутишига ишонч билдирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, 3 кун давом этадиган савдо-саноат ярмаркасида маҳсулотлари кўргазмаси билан иштирок этаётган корхоналар орасида бугунги кунда ички бозорда ўз ўрнига эга бўлиш баробарида маҳсулотларини "Ўзбекистонда тайёрланган" ёрлиғи остида хорижий давлатларга экспорт қилаётган, чет эл инвестициясини жалб этган ҳолда импорт ўрнини босувчи рақобатбардош товарлар ишлаб чиқараётган, юксак унумли дастгоҳлар қувватидан фойдаланиб маҳсулот турларини кўпайтираётган ва шунинг баробарида қўшимча ишчи ўринлари яратиб ҳалқ фаровонлигига ҳисса қўшаётган жамоалар кўпчилигини ташкил этади.

— Ўз фаолиятимизни бошлаганимизга эндигина беш ой бўлди, — дейди "Интер-сок" қўшма корхонаси раҳбари Юрий Нуритдинов. — 10 га яқин турдаги табиий шартларни жаҳон андозалари да-



раҳасида хорижий линиялар орқали тайёрлаб қадоқланишига ҳам алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Бугунги ярмаркадан асосий мақсадимиз нафақат маҳаллий, балки хорижий харидорлар билан ҳам шартномалар тузиб маҳсулот экспортини йўлга қўйишдир.

— Ўзимизнинг миллий ҳамда замонавий матoлардан тайёрланган аёлларимиз либосларининг харидорбop турлари билан бозорни таъминлаш баробарида мижозларимиз сафини кенгайтиришни режалаганимиз, — дейди "Азиза Сайфикизи" хусусий фирмаси директори Азиза Фуломова. — Қўриб турганингиздек, маҳсулотларимизга қўпчилик қизиқиш билдирмоқда. Ўйлаيمانки, уч кун давомида анчагина шартномалар имзолашга муваффақ бўламиз.

Шунингдек, ўтказилаётган Савдо-саноат ярмаркаси доирасида тadbirkorларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини ошириш мақсадида бир неча семинар-анжуманлар уюштириш кўзда тутилган. Уларда банк, боғжона, солиқ соҳаси ва кўпчилигини маърузалари тингланади, саволларга батафсил жавоблар қайтарилади. Ярмарка давомида "Info Line Business" ахборот-консалтинг компанияси, Тошкент шаҳар Ахборот-маслаҳат марказининг "Тadbirkor-таянч" шўъба корхонаси, "Shark Telecom", "Coscom" компанияларининг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтади.

Пойтахтимиз иқтисодий салоҳиятини яна бир бор намоён этаётган ушбу Савдо-саноат ярмаркаси 9 июнгача давом этади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: Савдо-саноат ярмаркаси фаолиятдан лавҳалар.
Рашид Галиев олган суратлар.

XVI савдоси
Барча малбалардан олтиган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Жамиятнинг демократик янгилиши жараёнида хотин-қизларнинг ўрни қандай бўлиши керак? Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш учун қандай тadbirkorларни амалга ошириш талаб этилади? Қашқадарё вилояти Хотин-қизлар кўмитаси ўтказган илмий-амалий семинарда шу саволларга жавоб изланди.

● Қорақалпоғистон пойтахтининг қоқ марказида Лондон ва Париж, Москва ва Прагадаги болалар истироҳат масканларидан қолишмайдиغان замонавий акварел фойдаланишга топширилди.

● Республика амалий санъат музейида 4-11 ёшгача бўлган оқидор болалар кўргазмаси очилди.

● Қарши Давлат университетида олий ўқув юртлири талабаларининг "Миллий истиклол гоёси: асосий тушунчалар ва таомиллар" ўқув курси бўйича республика олимпиади бўлиб ўтди.

● Қизилтепа тумани деҳқонлари Навоий вилоятда биринчи бўлиб галла ўрим-йигим теримига киришдилар.

● Фаргона водийсининг сўлими қишлоғи Водилда шу замин фарзандлари Ҳамид ва Темур полвонлар хотирасига бағишланган халқаро турнир бўлиб ўтди.

Жаҳонда

● 51 ёшли Темур Мансуров Шимолий Осетиянинг Президенти лавозимини эгаллади. Унинг номзоди республика парламенти томонидан тасдиқланди.

● Буюк Британия ҳукумати Европа Иттифоқи Конституцияси юзасидан кейинги йил баҳорда ўтказилиши режалаштирилган референдумни бекор қилди.

● Фаластин мухторияти маъмурияти Ёсир Арофатнинг уй-музейини ташкил қилишни режалаштирмоқда. ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, мухторият етакчиси Махмуд Аббос шундай ташаббус билан чиққан.

● Ливан жанубида парламент сайловларининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Минтакалардаги тўрт босқичдан иборат овоз бериш жараёни мамлакатда сўнги 30 йил мобайнида Сурия қўшинлари иштирокисиз ўтаётган илк сайловдир.

● Тверь вилоятидаги Ржера шаҳри аҳолиси орасида ўткир сарик касаллиги оммавий тарқалмоқда. 30 майга қадар 240 киши шаҳар шифохонасига ётқизилган.

● Непалда йўловчи ташиш автобуси портлаб кетди. Оқибатда 36 нафар йўловчининг барчаси ҳалок бўлган, бундан ташқари, 40 нафарга яқин одам жароҳатланди.

Тadbirkorлик

МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ КЎПАЯДИ

Бектемир туманида фаолият кўрсатаётган тadbirkorлар орасида "NUR EL BISNES" масъулияти чекланган жамиятнинг ўзига хос ўрни бўлиб, шу боис ҳам корхона раҳбари Нодир Бобоҳўжаев аънанавий "Ташаббус" кўрик-танловининг туман босқичида "Энг яхши тadbirkor" номига сазовор бўлди.

Корхонанинг ташкил топганига кўп вақт ўтмасдан, бозор талабларидан келиб чиқиб сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган тadbirkorлар сидқиқидан изланишлари боис ички бозорда харидор топа олди, маҳсулот турларини кўпайтиришга эришмоқда.

— Ишлаб чиқарилаётган ёритиш мосламаларимизнинг бугунги кун талабига жавоб беришини мақсад қилган ҳолда сифати ва кўринишига алоҳида эътибор қаратиб, хар бирининг дизайни устидан изланишлар олиб борамиз, — дейди Нодир Бобоҳўжаев. — Аввалига 3-4 хил ёритиш мосламалари билан бозорга кириб борган бўлсак, ўтган бир йил давомида маҳсулотларимиз тури бир неча ба-

рбарга ортиб 18 тага етди. Жорий йилда ҳам бир неча турдаги янги ёритиш мосламалари тайёрлашни режалаб турибмиз. Янги моделдаги герметик ёритиш чирокимиз ана шулар жумласига кириб, энг муҳими улар чанг ва губорни ўтказмай, ушлаб қолади.

Корхона ишчи-хизматчилари ўз маҳсулотларини тайёрлашда Россиядан келтириб ўрнатилган замонавий ускуналар ҳамда Германиядан олиб келинган хом ашёдан унумли фойдаланмоқда. Бюртмачилар сафини кенгайтиришга ўз меҳнатлари билан ҳаракат қилаётган 20 нафар ишчи-хизматчиларнинг сафини янги иш ўринлари яратиб кенгайтириш ҳам режалаштирилмоқда. Жорий йил охиригача маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми оширилиб, янги турдаги ёритиш мосламалари тайёрлашнинг йўлга қўйилиши ана шу мақсадни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Дилфуза ФАНИЕВА

Иқтисодий

МАЪДАНЛИ СУВ ИШЛАБ ЧИКАРИЛАДИ

Ёзинг жазирада кунлариди салқин ичимликларга бўлган талаб янада ортади. Айниқса, замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган тозаланган ичимлик сувлари нафақат чанқоғингизни босади, балки инсон организми учун ҳам фойдалидир.

“Олмос-Текс” масъуляти чекланган жамиятида ҳам ана шундай маъданли сувлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ҳаракат қилишмоқда. Бунинг учун эса банкдан молиявий мадад — кредит олиш, унга эса хориждан замонавий линия келтириш кўзда тутилган.

Шу кунга қадар эса корхонада маҳаллий хом ашё — пахтадан тайёрланган тиббиёт моимиғи ички бозорда харидорлиги баробарида Россияга ҳам экспорт қилинаётган эди. Жорий йилда Хитойдан 30 минг долларга олиб келинган янги линия эса бу имкониятни янада кенгайтиради. Шунингдек, маҳсулот турларини кўпайтиришни, қўшимча ишчи ўринлари ташкил этишни кўзда тутган корхона мутасаддилари жамоада мебель ҳамда макарон маҳсулотлари тайёрлайдиган янги цехларни ҳам ишга туширишди. Янги линияларнинг иш бошлаши эса ишчилар сафини яна 20 нафарга оширди. Энг асосийси эса уларнинг изланишлардан кўзлаган асл мақсадлари сифатли, рақобатбардош ва аҳоли эҳтиёжини қондира оладиган маҳсулотлар билан ички бозорда муносиб ўрин эгаллашга муваффақ бўлишди.

50 ЙИЛЛИК КАФОЛАТИ БОР

Пойтахтимиздаги “SHARQ PLAST-SERVIS” масъуляти чекланган жамиятида тайёрланаётган турли ҳажмдаги пластмасса қувурларнинг 50 йиллик кафолат муддати бўлиб, улар сифати ва қулайлиги билан хорижикидан асло қолишмайди.

Ушбу пластмасса қувурлар замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда маҳаллий хом ашёдан тайёрланмоқда. Айниқса, “Шўртангаз” кимё мажмуасининг ишга туширилиши корхонанинг хом ашёга бўлган талабини қондириб, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга ёрдам берди.

Энгил ва арзонлиги, манзилга етказиш ва ўрнатилган қулайлиги билан харидорларни жалб этаётган ушбу пластмасса қувурлар ҳозирда буюртмалар асосида юртимиздаги газ ва сув таъминоти корхоналарига етказиб берилмоқда.

— Маҳсулот сифати ва мустаҳкамлигига эътибор қаратиш муваффақиятларимиз гарови бўлишига аминмиз, — дейди корхона раҳбари Сайдулло Ибрагимов. — Шу боис ҳам сифат ишимизда бош мезон бўлмоқда.

Шарофат МАНСУРОВА

«ЎЗЭЛТЕХСАНОАТ»: ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ЮҚОРИ

Халқаро бизнес-марказда «Ўзбекистон Республикасида электротехника саноати ва электрон ҳақда маиший техника ишлаб чиқаришни ривожлантириш инвестиция салоҳияти» лойиҳасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси раиси Ш.Умаров чиқишида таъкидландики, Президент Ислом Каримовнинг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиз ва чет эл инвесторларига янги ишлаб чиқариш корхоналарини очиш, замонавий технологиялар ва илгор меҳнат услубларини жорий этиш учун янада кўпроқ имконият яратди.

Мустақиллик йилларида электротехника саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоғига айланди. Бугун «Ўзэлтехсаноат» уюшмасига мулкчиликнинг турли шакллари асосланган 34 та корхона қиради. Шулардан 12 таси Хитой, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Италия, Швейцария, Туркия, Россия компаниялари томонидан таъсис этилган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардир.

Уюшма таркибида кабель-сим маҳсулотлари, паст вольтли ускуналар, лифтлар, кучланиш, пайвандлаш трансформаторлари, электротермик, совитиш ва музлатиш ускуналари, электрон ва маиший техника, асбоблар, алоқа воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар бор. Ўтган йили маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 63,1 миллиард сўмни ташкил этди.

Йилдан-йилга экспорт йўналишлари кўпаймоқда. Айтиш жоизки, маҳсулотнинг 50 фоизи хорижда жўнатилади. 2004 йилда маҳсулот экспорти 29,4 миллион АҚШ доллари ташкил этди. Экспортчи корхоналар чет мамлакатларда 20 дан ортиқ савдо уйи очди ва улар 100 дан ортиқ турдаги маҳсулотларни сотмоқда.

Тармоқда хорижий сармояли корхоналар улushi 39 фоизни ташкил этди. Тадбирда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, тармоқда ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш имкониятлари анча катта.

Нилуфар ҳам болалигидан ана шу хунарга меҳр кўйди, қадимий сўзанаю паллақлардаги жозиба уни мафтун этди. “Қани энди, мен ҳам шу кўлларим билан ана шундай мўъжизани яратсам”, дея орзу қилган қизалокнинг ниятларига бувиси Хуршида ая мадад бўлди. Уни қўлидан етаклаб каштачилик тўрагага олиб борди. Ха, одамнинг ўзида уқув ва интилиш бўлса, кўзлаган иши амалга ошар экан. Ўтган беш йил давомида Нилуфар ҳам бинойи каштачи бўлди. Айниқса, бу борада устозлари Илҳом Давлетов ва Герман Абрамовлар яқиндан ёрдам беришди. Шу боис ҳам Нилуфарнинг кашталари тез орада харидорлар эътиборини тортди.

— Устозларининг ҳар бир ҳаракатларини кузатиб, маънаватларига амал қилиб ишлаш баробарида ўзим ҳам ижодий изландим, — дейди Нилуфар Исманова. — Миллий қадриятларимизни тиклаш ва шарқона урф-одатларимизни эъзозлаш асосида янги, чиройли нақш ва гуллар яратиш устида ишладим. Кейинчалик эса мустақил иш юритиб ўзим ҳам шоғирдлар тайёрлай бошладим.

Ёш ва маҳоратли каштачининг бугунги кунда шоғирдлари сафи 30 нафардан ортиб кетди. Нилуфар улар-

нинг қизиқишидан, хунарга меҳр-муҳаббатидан завқ олади, қалбидидаги иштиёқи ортиб боради. Бугунги кунда Нилуфар ва шоғирдлари-

Палак, сўзана, зардевор, ёстиқ жилди, сумкачаю жияклар, жами 20 хилдан зиёд буюмларни тайёрлаш учун керакли хом ашё — бўз ва

НИЛУФАРНИНГ КАШТАСИ

Каштачилик... Ушбу хунарни ишга солиб тайёрланган хилма-хил буюмлар янги келинлар хондонини беэзаганида унга завқлиб ҳавас билан қарамаган киши камдан-кам топилса керак. Ҳар бир ипак жилосида, ранглар мужассамида, нақшлар кўриқда каштачи маҳорати акс этадики, унинг нозик дидига тан бермай, сабр-матонатига қойил қолмай иложингиз йўқ.



нинг каштачилик асосида яратган маҳсулотларига, айниқса хорижда ҳам талабдорлар кўплиги хунарларини илҳомлантиради. адрас матолари Марғилондан олиб келинади. Ана шу матоларга юрма, ироқи, беғиз деб номланган чокларда кашта тикилади. Ҳар бир

Хорижий инвестицияларни жалб этишнинг давом эттириш дастури ишлаб чиқилган. Инвестиция лойиҳалари «Фотон» ОАЖда мураккаб маиший техника, шу жумладан DVD-плеерлар, 5 каналли кучайтиргичлар ва улар асосида уй кино-театрлари ишлаб чиқариш, «Оникс» ОАЖда хрусталь ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, люминесцент чироклар, ишша толали ровингдан маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, «Алгоритм» ОАЖда босма палатлар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, электрон модуллар, электр энергияси ўлчов асбоблари ишлаб чиқариш, «К1 нап» ОАЖда замонавий электр маиший асбоблар тайёрлашни кўзда туттади. Инвестиция дастурларига жами 94,5 миллион АҚШ долларини жалб этиш мўлжалланган.

Шу ерда ташкил этилган мамлакатимиз маҳсулотлари кўрғазмаси тармоқ ютуқлари ва уни янада ривожлантириш истиқболларини яққол намойиш этди.

Тармоқни хусусийлаштириш жараёнлари, республикада ахборот технологияларини ривожлантириш истиқболлари, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш эҳтимол тутилган манбалари муокамаси катнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Виктор НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири

каштадаги нусхаларнинг ўзига хос маъноси, гўзаллиги бор.

— Шундан фахрланаманки, — дейди Нилуфар Исманова, — тиккан кашта маҳсулотларимиз нафақат ўзимизда, балки хорижий давлатларда ҳам эъзозланмоқда. Албатта, бу бизнинг хунари-мизга, санъатимизга, миллий қадриятларимизга хурмат белгисидир. Шу боис ҳам хунарамандчиликнинг энг нозик тури бўлган каштачиликни авлодларимиз ҳам қадрига етиши лозим. Мен ана шу мақсадда шоғирдлар тайёрлайман ва уларга каштачиликнинг нозик сирларини эринмай ўргатаман.

Ўз кашталарида нафақат гўзаллиги меҳнати маҳсулини, балки қадриятларимизга садоқатни, ажодлар хунари эъзозини кўраётган Нилуфар Исманова фаолиятида жорий йил муваффақиятли келди. “Ташаббус-2005” кўрик танловининг Юнусобод тумани босқичида ғолибликни қўлга киритган Нилуфар “Энг яхши хунараманд” номини олди. Ушбу рағбат эса уни янада эзгу ишларга ундаши, шубҳасиз.

Дилноза ФИЁСОВА СУРАТДА: Нилуфар ИСМАНОВА шоғирдлари маҳоратидан завқ олиб, улар билан фахрланади. Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

ЭКОФЕСТИВАЛЬ ШОДИЁНАСИ

5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳит куни сайёраимиздаги бир қатор мамлакатларда кенг нишонланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 мартдаги Фармойишига асосан мамлакатимиз аҳолисига қулай барқарор экологик вазиятни таъминлаш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда «Экология ва саломатлик кунлари» ўтказилиб келинмоқда.

Ушбу дастур доирасида 5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишлаб 1-июндан 10-июнга қадар «Санитария, гигиена ва экологик маданият» декадаси ўтказилмоқда. Мазкур декада доирасида «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастурига биноан «Экосан» Халқаро ташкилоти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» бирлашмаси ва «Ўзтелерадиокомпания» ҳамкорликларида Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишлаб «Туркистон» саройида Экофестиваль ўтказилди. Фестивалда вазирлик ва идоралар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, «Экосан» уюшмаларининг аъзолари, эколог олимлар ҳамда жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ходимла-

ри иштирок этдилар. Тадбир бошланшидан аввал меҳмонлар Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишланган экологик кўрғазма билан танишдилар. Фестивалнинг тантанали очилишида «Экосан» Халқаро ташкилоти президенти Ю.Шодиметов, Тошкент шаҳар ҳокими-рини ўринбосари А.Аҳмедов ҳамда шаҳримизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари сўзга чиқиб йилгиларни экология байрами билан қўтадилар. Шундан сўнг «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастурига асосан ташкил қилинган «Вилоятимизни, шаҳримизни, туманимизни юксак санитария маданияти ўлкасига айлантирамиз» республика танловининг ғолиблари эълон қилиниб муносиб тақдирландилар. Танловнинг «Санитария маданияти юксак маҳалла» шarti буйича вилоятлар билан бир қаторда шаҳримизнинг Мир-

зо Улуғбек туманидаги «Хумоюн» маҳалласи ғолиб деб топилди, «Экосан» Халқаро ташкилотининг махсус дипломи ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг қимматбахо совғаси билан тақдирланди. Шунингдек фестивалда «Тошкент экологияси: ёшлар ташаббуслари» танловининг ғолиблари ҳам эълон қилинди. Тошкент архитектура-қурилиш институти талабаси Шерзод Зияев «Экология ва саломатлик боғи» лойиҳаси учун танловнинг биринчи ўрин соҳибига деб топилди ва унга Ўзбекистон Меъморлар уюшмасининг Фахрий ёрлиғи топширилди ва «Экосан» Халқаро ташкилоти томонидан телевизор билан тақдирланди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган мазкур институт талабалари ҳам эсдалик совғаларига, шунингдек, танловнинг фаол иштирокчилари «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Фахрий ёрлиқларига сазовор бўлдилар.

Шодиёна рўҳда ўтган экофестивалда таниқли санъаткорларимиз ижросидаги дилбар куй-қўшиқлар, жозибали рақслар байрам тадбирига ўзгача файз киритиб, йилгиларга қалбига бир олам завқ бағишлади.

Гулором ҲАМИДОВА

Истеъмолчилар**ҳуқуқлари қонун****ҳимоясида****ЗАРУРИЙ
ЧОРАЛАР
КЎРИЛМОҚДА**

● Мирзо Улугбек тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туман жамиятига истеъмолчи В.Фефиловдан шикоят хати келиб тушган. Унда баён этилишича, истеъмолчи муқаддам "Тошсиккликувати" ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан берилган имтиёзлардан фойдаланиб келган. Бироқ шундай бўлса-да, мутасадди ташкилот вакиллари ундан нотўғри тўлов ундиришга ҳаракат қилишган. Ҳозирда мазкур иш юзасидан сурштирув ишлари олиб борилиб, истеъмолчи билан қайтадан ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилмоқда.

● Шайхонтоҳур туманидаги "Навой" савдо расасида жойлашган "BO'SH" савдо дўконидан истеъмолчи Д.Черкасов музлатгич харид қилган бўлиб, 1 миллион сўмлик музлатгичга дўкон маъмурияти томонидан 3 йиллик кафолат берилган эди. Бироқ икки ой ўтмасданок музлатгичнинг техник носозлиги сезилиб қолган. Шундан сўнг истеъмолчи Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат қилишга мажбур бўлган. Ҳозирда жамият мутасаддилари Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузурдаги валюта ва солиққа қарши кураш департаменти, шаҳар синов сертификатлаштириш маркази билан ҳамкорликда ушбу ишнинг ижобий ҳал этилишига, истеъмолчи талабларининг тўлиқ қондирилди.

● Чилонзор тумани Халқлар Дўстлиги кўчаси 1-уй, 20-хонадонда яшовчи, истеъмолчи М.Мазирук томонидан туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига шикоят билан мурожаат қилинган. Бунга сабаб истеъмолчининг "ВЭЮСА-17" русумли музлатгичнинг носозлиги сабаб бўлган. М.Мазирук шикояти "Ромир-сервис" акциядорлик жамиятига мурожаат қилинган, тўлов сифатида 95.000 сўмлик маблағ тўланганлиги маълум қилинган. Бироқ жамият аъзолари унинг музлатгичини 4 мартаба таъмирлаб берган бўлсада, у тўлиқ, яхши ишламаган. Шундан сўнг истеъмолчи тўлов пуллари-ни қайтариб олмакчи бўлган.

Бироқ бу талаб маъмурият томонидан қондирилмаган. Ҳозирда мазкур иш ўрганилиб, суд оралиги ҳал қилиш чоралари кўрилди.

● Чилонзор тумани Д-20 А мавзе, 2-уй, 7-хонадонда истиқомат қилувчи, истеъмолчи Э.Керечидан туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига ариза билан мурожаат қилинган. Аризада истеъмолчи ўтган йилнинг 28 декабрида Шайхонтоҳур туманидаги "Навой" савдо расасидаги "Тэфаль" савдо дўконидан нархи 250 минг сўмлик "LG" русумли телевизор харид қилганлиги, орадан бир ой ўтган эса телевизорнинг техник носоз эканлиги маълум бўлган. Ваҳоланки, дўкон сотувчиси унга телевизорнинг ишлаш муддати 3 йилга белгилангани ҳақида кафолат хати берган эди.

Ушбу телевизорнинг олди-соттиси юзасидан олиб борилган сурштирув ишларида истеъмолчининг даъволари ҳақиқат эканлиги ойдinлашди. Ҳозирда истеъмолчи ҳуқуқлари қонун талаблари доирасида қондирилди ҳамда дўкон сотувчисидан 250 минг сўмлик маблағ Э.Керечи фойдасига ундирилди.

Президент Ислам Каримовнинг шу йил 19 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ҳарбий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги Фармойиши ушбу йўналишда дастурий ҳужжат ҳисобланади. Бу ҳужжатда ҳарбий билим юртиларига абитуриент ва тингловчиларни қабул қилишнинг янги муддатлари белгилаб берилган. Унга кўра, абитуриентларнинг ҳар йилги тест синовлари 10 июлда, курсантларни олий ҳарбий-таълим муассасаларига қабул қилиш эса 15 июлда ўтказилади.

Тошкент олий у м у к ў ш и н кўмондонлик билим юрти юқори малакали профессор-ўқитувчилар, яхши жиҳозланган синфлар, лабораториялар, устaxonалар, ўқув марказлари ва замонавий ҳарбий техникага эга кўл тармоқли замонавий олий ҳарбий мактаб ҳисобланади. Бугунги кунда бу ерда куйидаги йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади: мотоўқи ва чегара қўшинлари тактик командирилар, қўшин разведкиси тактик командирилар, мотоўқи ва чегара қўшинлари тарбиявий ишлар бўйича командирилар.

— Президентимизнинг Фармойишига мувофиқ айна пайтда ҳарбий-таълим муассасасида абитуриентларни қабул қилиш бўйича катта тайёргарлик ишлари олиб боришмоқда, — дейди билим юрти бошлиғи, генерал-майор Қобул Бердиев. — Қабул тартиб-қоидаларига кўра, билим юртига тугалланган ўрта маълумотли, 17 ёлга тўлган ва 21 ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва 25 ёшдан ошмаган, муддатли ҳарбий хизматдан захирага бўшатилган ҳарбий хизматга мажбур шахслар қабул қилинади.

Билим юртига ўқишга кириш истганини билдирганлар яшаш жойидаги мудофаа ишлари бўйича туман (шаҳар) бўлимига ариза, муддатли ҳарбий хизматчилар қисм командири-номига рапорт ёзади.

Танлаб олинган номзодларнинг

ҳужжатлари билим юртига юборилади ва бу ерда уларнинг шахсий ҳужжатлари олдиндан ўрганиб чиқилади.

Номзодлар кириш имтиҳонларини топириш учун билим юрти томонидан мудофаа ишлари бошқармаси, ҳарбий қисмлар командирилар орқали чақириб олинди ва улар номзодларни транспортда бепул келиш ҳужжатлари билан таъминлайди. Билим юртига келган номзодлар бепул оқват билан

киришда имтиёзлардан математика ва физика фани бўйича халқаро ҳамда республика олимпиадалари, танловлар, муСОбақалар голиблари фойдаланади. Улар касбий имтиҳонларни муваффақиятли топиришса, қабул комиссиясининг қарори билан билим юртига тест синовларисиз қабул қилинади.

Захирага бўшатилган ва ҳарбий қисмлар тавсияномаларига эга бўлган муддатли ҳарбий хизматчиларга, шартнома бўйича сержант унвонига 5 йил ва ундан кўп вақт хизмат қилган, қисм кўмондонлигининг тавсияномасига эга бўлган ҳарбий хизматчиларга билим юртига қабул қилишда жами тўлган балларига қўшимча тарзда тўлаш мумкин бўлган энг юқори баллининг 20 фоизи миқдорига балл қўшимчи шаклида имтиёз берилади.

Ҳарбий-профессионал йўналишдаги лицейлар битирувчиларига эса билим юртига қабул қилишда тўлган жами баллига қўшимча тарзда тўлаш мумкин бўлган энг юқори баллининг 5 фоизи миқдорига имтиёз берилади.

Ўзбекистон Республикасининг медал ва орденлари билан тақдирланганлар, шунингдек, Ватани ҳимоя қилишда юқори маънавий-ҳарбий хусусиятларини намоён қилган ҳарбий хизматчилар билим юртига киришда имтиёзли ҳуқуқлардан фойдаланади.

Машгулотлар 1 августдан бошланади, ўқиш муддати 4 йил. Яна шуни таъкидлашни истардимки, ҳарбий билим юртига қабул қилинганлар ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлади ва давлат томонидан тўлиқ таъминланади. Имтиҳонларни «беш» баҳога топириган курсантларга лавозим маошига 50 фоиз, «тўрт» баҳога топириганларга 25 фоиз миқдорда қўшимча пул муқофоти берилади.

3-курсни тугатган курсантлар «В» ва «С» тоифа автомобиллари бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлади.

Битирувчиларга менежмент ихтисослиги (транспортда) бўйича мутахассис дипломи топишилади ва «лейтенант» унвони берилади.

**Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА муҳбири**

Фармойиш ва ижро**ВАТАН
ҲИМОЯЧИСИ —
ШАРАФЛИ КАСБ**

Мамлакатимизда Куролли Кучларни ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар қаторида ҳарбий таълим тизимини самарадорлигини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада офицер кадрларни тайёрлаш ва тарбиялаш тизимини, олий ҳарбий-таълим муассасаларида ўқитиш дастуруларини ва жараёнининг моҳияти ҳамда йўналиши қайта кўриб чиқилди.

таъминланади ва ўқитувчилар улар учун имтиҳондан олдин маслаҳат дарсларини ўтади. Барча абитуриентлар тест синовлари бошлангунча қадар тиббий комиссия ва профессионал танловдан ўтади. Соғлиғи туйғайли ҳарбий олий ўқув юртиларига киришга яроқсиз деб топилганлар имтиҳонга қўйилмайди.

Шуни айтиш керакики, билим юртида касбий синовлар (профессионал танлов) икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда абитуриентларнинг жисмоний қобилиятлари, иккинчи босқичда индивидуал руҳий хусусиятлари, яъни гуруҳлар бўйича ҳарбий ороқлиги баҳоланади. Бундан кўзланган асосий мақсад абитуриентларнинг билим ва кўникмалари даражаси, ижодий ҳамда жисмоний қобилиятларини баҳолашдир.

Математика, физика, она тили ва адабиёт фанлари бўйича тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази томонидан ўзбек, рус ва қоралқоқ тилларида ўтказилади.

— Айтгинчи, билим юртига ўқишга киришда қимлар имтиёзлардан фойдаланади?

— Аввало, билим юртига ўқишга

**ИНВЕСТИЦИЯНИНГ МАМЛАКАТ
РИВОЖИДАГИ РОЛИ**

Маълумки, инвестиция мамлакат иқтисодий тизимини барқарорлаштирувчи, иқтисодий ўсишга туртки бўлувчи омили ҳисобланади. Бугунги кунда барча мамлакатлар ўз иқтисодиётига инвестиция оқимини жадаллаштиришга ҳаракат қиладилар. Кенг маънода инвестиция мамлакат иқтисодий тараққиёти учун зарур механизм ролини ўйнайди.

Ҳар бир инвестор ўз капиталини инвестицияга йўналтиришдан олдин инвестиция лойиҳасини обдон ўрганиб чиқади ва бу лойиҳани рентабелли деб топганидан сўнг инвестицияни амалга оширади.

Инвестор асосан қуйидаги 2 мотив асосида фаолият юритади: максимал даражада фойда олиш ва маҳсулоти реализацияси учун зарур шароитга эга бўлиш;

бозордаги ўз мавқеини ошириш.

Бу йўсинда фаолият юритиш эса бевосита мамлакатдаги инвестиция муҳитига боғлиқ. Инвестиция муҳитини инвестор талабига мослаштиришда эса давлат асосий рол ўйнайди.

Ўзбекистонда ҳам бу соҳада ислохотлар самарали олиб боришмоқда. Бунинг йилдан-йилга мамлакатда инвестиция ҳажмининг ошириб бораётганлигидан,

инвестицияни жалб қилиш бўйича имтиёзлар жорий этиб бораётганлигидан аниқлаш мумкин.

Мустикаллиқнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция оқими жуда паст даражада эди. Сабаби, собиқ иттифоқ даврида Иттифоқдош мамлакатларнинг ҳар бири маълум соҳага ихтисослашиб, улар бир-бири билан боғлиқ, бири маҳсулот етиштирса, иккинчиси уни қайта ишларди. Ўзбекистон эса хом ашё базасига айлантирилган эди. Мустикаллиқ кўлга киритилгач, мамлакатлар олдида катта-катта муаммолар пайдо бўлди. Республикаимизда ҳам давлат раёни қорхоналарни техник қайта қурулантириш, қайта ишловчи қорхоналар барпо этиш, замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга эҳтиёж сезилди. Бир сўз билан айтганда инвестицияга, хусусан хорижий инвестицияга талаб қу-

зилмани ривожлантириш ва худудларни обodonлаштириш солиғи, экология солиғи, микрофирма ва кичик қорхоналар солиқ ҳамда Республика йўл жағмармасига мажбурий ажратмаган бўйича имтиёзлар жорий этилди.

Бу чора-тадбирдан кўзланган мақсад мамлакат инвестиция муҳитини яхшилаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, ортиқча ишчи қучи мавжуд минтақаларда янги иш жойларини яратиш, умуман, мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш ва аҳоли турмуш даражасини оширишдан иборат.

Бундай чора-тадбирлар мамлакатнинг ички бозорини товар ва хизматлар билан тўлдириш, экспорттоб товарлар ишлаб чиқариш, пировавдида ҳахон ҳамжамиятига интеграция даражасининг ўсишига ижобий туртки бўлади.

Ўзбекистон инвестиция сиёсатининг самарали олиб борилиши мамлакат истиқболини белгилайди, эртанги куннинг яхшироқ бўлишига замин яратаяди.

**Мақсуд САФАРОВ,
Тошкент Молия
институтини талабаси.**

ГЎЗАЛЛИК**ТАШНА
ҚАЛБЛАР**

Ёшлиқда олган билим — тошга ўйилган нақш кабирди. Ёшларни бирлаштирадиган табдирлар бевосита фанлар билан боғлиқ. Айнакка инсонни жўшқинлантириб, уни ҳаётга қайтарадиган фан эстетика — нафосатшунослик фанидир.

Бугунги кунда Тошкент банк коллежида фаолият юритаётган тўғрак ишлари ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапириш мумкин. Коллежда дарслардан ташқари тўғрак ишлари ҳам илгор педагогик технологияларга асосланган ҳолда ташкил этилган. Шу жумладан тўғракда «Ўзбек халқ мақомлари» мавзусида ўтган дарсда ўзбек мумтоз кўшиқларидан баҳраманд бўлган иқтидорли талабалар ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашдилар. Шуни ҳам айтиш жоизки М.Каримовнинг «Муножот», Т.Алимамов ижросидаги қуйлар биз ёшларни эстетик тарбиялашда, миллий истиқлол тўғруларининг янада юксалишига туртки бўлмоқда. Шу фаннинг ўзида яна «Оханграбо», «Хониш», «Олтин мерос» кўрсатқувлари баҳс-мунозара учун талабаларга мавзу сифатида берилди. Тўғракда лирик чекиниш, жонли ижро, севги, муҳаббат, вафо туйғулари, меҳр, яхшилик каби инсоний фазилатлар ҳақидаги суҳбатлар талабаларнинг руҳиятини жонлантирмоқда.

Тўғракда иқтидорли талабалар ўртасида глобал мавзулардан бири бўлган гивандлик, қизлар одоб-ахлоқи бўйича ўтказилган саҳна кўринишлари, гўзаллик ҳақидаги лирик чекинишлар тўғрак ишларини муваффақиятли чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги кунда маданиятшинос, миллийлигимизни англашда эстетика фанининг ўрни катта. Чиройли сўзлаш гўзаллигини англашдан бошланади. Шундай экан гўзалликка интилиш ҳеч биримизнинг дилимиздан сўнмасин.

Дилором ТҮЙЧИЕВА

Шарқ дурдоналари

03-03 ҲАҚИҚАТ
ДОНО БУЛАДУ...

Чин фағфури сўз бўстони-дан гулдаста ҳозирлаб, тухфа қилган ҳолда деди: «Сўз қуши оғиз қафасида экан, унинг ихтиёри меннинг измимадир. Бордию, у тил оҳёнасида парвоз қилса ҳеч қачон уни тутиб бўлмайди». Байт:

Куш қафасдан учиб кетганда хар дам, Тутаман деб уни тортмагин алам!

Сўз келини сўзлашув пардасидан ташқарига чиқмаган экан, тил машотасининг ихтиёридадир. Машшота уни хоҳласа баён боғига олиб киради, хоҳласа парда орқасида пинҳон тута олади. Байт:

Сўз келини жилва қилмаган замон,

Соҳибнинг қўли остида пинҳон.

Хоҳлаганда уни баён қилади,

Хоҳлаганда яна ниҳон қилади!

- Вафоли одамнинг дўстлиги ҳам самимий бўлади.
- Ёшлиқда шундай иш қилки, қариганинга фойда берсин ва унинг беҳуда ўтганидан афсус ема!
- Ёшлик мастлиги шароб мастлигидан ортик.
- Йигит йигитдан йқилади, аммо таслим бўлмайди.
- Бир сандиқ олтиндан бир зарра ақл яхши.
- Тинимсиз зиёратдан малоллик туғилади.
- Йўлга чиқшдан аввал йўлдош қидир.
- Ҳар қуш ўз овозидан шодланади.
- Байт:

Йахшилар айбидан кўз юмгин хар он,

Ҳасад кўзи билан боқмағил зиён.

Ўз айбинг қўрмоққа юз марта кўз оч,

Ўзгага бир бор ҳам кўз очибдир қоч!

- ҲИҚМАТ. Дўст уч гуруҳдир: дўст, дўстингни дўсти, душманингни душмани. Душман ҳам уч тоифадир: душман, дўстингни душмани, душманингни дўсти. Байт:

Душманингда душман бўлади дўстинг,

Душманингда ул ҳам бўлади ағёр.

Душманингда дўстлик айласа дўстинг.

Душмандир у аканг бўлса ҳам зинҳор!

- Донолардан бири айтади: — Ёмон кишилар билан улфат бўлишдан қочгин. Одамнинг табиати ўғридир. У яхши кишилар билан суҳбатдош бўлганда яхши хислатлардан баҳраманд бўлгани каби, ёмон билан улфат бўлганда ҳам улардан озгина бўлса-да, ёмон хислат ўғирлаб олади.

Аёл билан олам гўзал, аёл билан жамиятда маҳаллада ва оилада тинчлик-осойишталик, файзу барақа бор, юксалиш бор. Қадим ўтмишимизда ҳам оқила, доно аёллар юртни бошқарган, ўз ақлу идроклари билан ёни енгган. Бугунги кунда ҳам мамлакатимизда хотин-қизларимизнинг давлат ва жамият тараққиётида фаоллиги ошиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўтган йил май ойидаги Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Айниқса мазкур Фармонда маҳалларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими киритилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўтган бир йил давомида маҳалларда ушбу вазифага тайинланган катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган билимли, оқила ва доно аёлларнинг эл-юрт фаровонлиги, хотин-қизларнинг турмушдаги баъзи муаммоларини, оилаларнинг тинчлигини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган ишлари диққатга сазовор бўлмоқда. Уларнинг ташаббуси билан маҳалларда ўтказилаётган турли хил тадбирларнинг аҳамияти катта бўлаётганлиги шубҳасиз.

Жумладан, яқинда шахримизнинг Миробод туманидаги «Миробод» маҳалласида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тадбир бўлиб ўтди. Сихат-саломатлик йилига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбир туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Миробод» маҳалла хотин-қиз-

лар комиссияси ҳамкорликларида ташкил этилди. Унда тумандаги маҳаллаларнинг хотин-қизлар комиссияси аъзолари, маҳалладаги аёллар, шунингдек соғлиқни сақлаш тизими вакиллари ва бошқа меҳмонлар иштирок этдилар. Йиғилишда Миробод тумани ҳокими Уринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Мухаббат

маърузалари бўйича маҳалла аёллари ҳам ўзларини қизиқтирган саволларига улардан етарли жавоб олдилар. Ушбу мавзудаги қизиқарли ва фойдалли фикр-мулоҳазалар йиғилганларда катта таассурот қолдирди ва улар шу каби тадбирлар, мутахассислар билан давра суҳбатларини бундан бундан тез-тез ўтказиб туриш зарур эканлигини мамнуният билан таъкидлашди.

— Аёллар аввало она, уй бекаси, болаларнинг тарбиячиси, уларнинг зими масида масъулиятли вазифалар жуда кўп, — дейди «Миробод» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ҳожиya Зупарова. — Шу билан бирга хотин-қизларга оид ҳамда оилаларда турли хил муаммолар учраб туриши шубҳасиз. Уларнинг этиштида жойлардаги хотин-қизлар кўмиталарининг ўрни аҳамиятлидир. Шунинг учун келин айтиш жоизки, Президентимизнинг бу борадаги тегишли Фармонларига асосан маҳалларда янги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифаси белгиланганлиги айтиш мумкин бўлди. Натижада хотин-қизлар фаоллиги янада ортди, оналик ва болаликни химоя қилиш ҳукуматимизнинг бош масаласига айланди.

Оилаларимиз файзи ва кўрки, фариштаси ҳам шарифтаси бўлган аёллар доимо соғ бўлишсин, бахтли бекалик ҳаммаларига насиб этсин. Зеро аёл билан олам мунаввар, аёл билан оила бахтиёрдир.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: «Миробод» маҳалласида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа.

Мағриблар

АЁЛ — ОИЛА ФАРИШТАСИ



Захидова «Ислом - террорга қарши» мавзусида сўзга чиқиб, Андижонда рўй берган нохуш воқеалар тўғрисида қисқача тўхталиб ўтди. Шунингдек, бугунги кунда ёшларимиз тарбиясига эътибор билан қараш, уларни доимо оғоҳ бўлишга, Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигининг қадрига етишга, уни ёмон ниятли кимсалардан химоя қилишга ундаб, бунинг учун ҳар биримиз бурчли эканлигимизни, оилада фарзандлар ўртасида кўпроқ тушунтириш олиб бориш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Тадбирда 1-тери-таносил касалликлари диспансерининг бош шифокори Виктория Баратова «Жинсий алоқа йўли билан юқадиган касалликлар» ҳақида, 4-турғуҳона бош шифокори Валентина Ли «Ўрта ёшдаги аёллар ўртасида учрайдиган климатик давр» тўғрисида батафсил маълумотлар бердилар. Мутахассисларнинг ушбу

сорга биринчи синф ўқувчиси Комилжон озмунча кўз ёши тўққанмиди? Ахир унинг ҳам онасидан бўлак ҳеч қим йўқ эдида. Профессорга раҳмат. У сўзининг устидан чиқди. Онаси соғ-саломат уйига қайтди. Эркатоий Комилжонни яна

Анжуман

ЭЗГУЛИК НУРЛАРИ

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман бўлими ташаббуси билан тумандаги 141-умумтаълим мактабида «Қадриятлар, урф-одатлар ва ёшлар» деб номланган тадбир ўтказилди.

Тадбирда маҳалла фуқаролар йиғини раислари, хотин-қизлар комиссияси раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, фахрий устозлар иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар урф-одат, қадриятларнинг ўрни, таълим-тарбиянинг ёшлар маънавиятига таъсири ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Мактаб ёшидаги ўқувчиларга берилётган таълим-тарбия шак-шубҳасиз, ёшларнинг ҳаётдаги устуни бўлади. Зеро, ёшлиқда ўргангани тенгланмас бойлиқдир. Хусусан, ушбу тадбир ёшларга миллий урф-одатларимиз, аъёнларимизни қадрлашни ўргатиш, уларнинг қалбида ватан туйғусини шакллантириш мақсадида ташкил этилди. Эътиборли томони шундаки, ўқувчилар ўрганаётган билимларини чархлаш, истеъодларини миллий аъёнларимиз — тўй, келин салом, турли маросимларни мадҳ этувчи театрлаштирилган сахна кўринишлари орқали намоян этишди. Шунингдек, ўқувчилар бобоқалонларимиз Алишер Навоий, Лутфий, Муқимий газалларидан ёд олишди. Ҳар тилини ўрганувчи ёшлар эса русий забон шоирлар шеърларидан парчалар ўқишди.

Ҳайлаймики, ватанин мадҳ этувчи, ёшлар қалбига эзгулик нурларини сочувчи бу каби тадбирлар яна давом этади.

Юлдуз РИЗАЕВА

Жарроҳ Комил Одилов одатдагидек касалхонага эрта етиб келди. Узига қарашли хонага кириб эндигина халатини кийган эди ҳамки, эшик тақиллаб ичкарига 8-9 ёшлар чамасидаги қизалоқ ийманибгина кирди. У нимадир демокчи бўлар, лекин қизнинг бироз кўрқув ва илтижо тўла кўзларидан шашқатор ёш унинг гапиришига йўл қўймади.

Одилов бир зум анграйиб қолди. Қизалоқнинг мурғак қалбини бунчалик изтиробга солган, унинг гулгун чехрасига оя ташлаган нима ахир? Нега у аламзада кўз ёш тўкади? Жарроҳ таажжуб билан аста қизчага яқинлашди. Қаршисида тиз чўкиб, сочларини оҳиста силди. Наботкорнинг бу илтифотидан баттар кўнгли бўшаб кетган қизалоқ хўнграб унинг бўйнидан маҳкам қучди.

— Ойим... Ойижонимни кутқаринг... Илтимиос...

Бирдан Одиловнинг кўз олдига кечачи аварияга учраб оғир аҳволда касалхонага келтирилган аёл қиёфаси жонланди. Гарчи операция муваффақиятли ўтган, жарроҳ роппа-роса тўрт соат ўлим билан олишган бўлсада, бироқ башоратга ҳали эрта эди. Олдидан катта тўсиқлар, ҳаёт учун кураш довлонлари бор эди. Мана шуларнинг

ҳаммасидан ошиб ўтиш керак. Бу фақат жарроҳгагина боғлиқ бўлмади, балки беморнинг ўзига — сабр-бардощига, чидамига, қолаверса унинг юрагига ҳам боғлиқ эди. Ахир сунъий йўл билан нафас олаётган бемор ҳақида бундан бо-

СЕВИНЧ ЁШЛАРИ

(БЎЛГАН ВОҚЕА)

шқа нима дейиш мумкин? Лекин виждоний бурч, мана шу титраб-қақшаб кўз ёш қилаётган гўдак ҳурмати унинг онасини ўлимдан сақлаб қолиш учун Одилов қўлидан келганча ҳаракат қилишини дилига тугиб қўйди.

— Кутқаринг амакижон, ойимни кутқаринг. Менин ойижонимдан бўлак ҳеч қимим йўқ.

Одилов ҳаммасини тушунди. Бир зумда хаёллари айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Ёшлиғидаги бир воқеа кўз олдига келиб муаллақ туриб қолди. Тавба, ушунда ҳам худди шундай бўлганди-я. Онасини ногаҳоний юрак хуржи билан касалхонага келтиришган эди. Ушунда онасининг халоскори нуруний профес-

бағрига босди. Ушундан бери профессор Комилжон учун энг азиз киши бўлиб қолганди. Агар ўша воқеа бўлмаса, балки Одилов шифокор ҳам бўлмасди.

Йиллар ўтиб, орауси амалга ошди. Лекин шу йиллар давомида ўша профессор талаба Одиловдан ёрдам қўлини аямади. Ҳозир ҳам улар тез-тез кўришиб туришди. Оғир дамларда отасидек бўлиб қолган бу кишига Одилов тез-тез мурожаат қилиб, ундан йўл-йўриқ сўраб туради.

Хўш, энди олдида турган қизалоққа нима десин? Дунёда қандай илқ сўз борки, шунга айтиб унинг мурғак қалбига таскин берсин. — Йиглама қизим, — деди

Одилов қизчанин кўз ёшларини оппоқ рўмолчаси билан арта туриб. — Ойинг тузалди. Албатта соғайиб кетади. Мана кўрасан. Кўп ўтмай уйга қайтади.

Ташаккур изҳори сифатида қизалоқ Одиловнинг бўйнидан яна бир бор қаттиқ қучди.

— Сизга ишонаман амакижон, — деб қўйди ўқиб-ўқиб. Кейин шитоб билан эшикка отилди. Ким билсин, у бу хушxabарни балки бирор дугонасига ёки яқин кишисига етказишга ошиққандир. Балки хурсандчиликдан унинг юрагига бу қичик хона торлик қилиб қолгандир. Балки унинг жажжи қалби яна бемажжол она ётган хона деразасини тусаб қолгандир.

Одилов шу таассурот оғушида анча тўлғанди. Кейин қизчага берган ваъдаси эсига тушди. Шаҳд билан хонадан чиқдида, ўша палата томон тез-тез юриб кетди.

Хайрият ўлим чекинди. Бир ойдан сўнг бемор оёққа турди. Ўша кунга она ва қизалоқ Одилов ўтирган хонага кириб келишди. Қизча юғриб келиб, қўлидаги гулли Комилжонга тутдида, сўзсиз унинг бўйнидан қучди. Одиловнинг кўзига ёш қалқиди. Бу севинч ёшлари эди.

Мақсуд ОРИПОВ

Мунажжим

башорати

ЖИДДИЙ ВА СОБИТҚАДАМ

9 ИЮНЬ, ПАЙШАНА

Авалло, мунажжимлар бутунги кунни воқеа-ходисалар кутилмаган йўналиш олиши мумкин бўлган, келажак истикболга чиқариладиган, манфаатли таклифлар тушадиган кун сифатида таърифлашган. Шу билан бирга, Ой сайёрасининг Кискичбака буржида бўлиш кўпчилик кишиларни ёқмасиз хотирлар ва эски арзларга берилувчан қилиб кўяркан.

Мунажжим Л.Неведомская, жумладан, қайси йўналишда олға ҳаракат қилишни аниқ ҳал этишда бутунги кун муҳим аҳамиятга моликлигини таъкидлайди ҳамда Илм дарахти бизни одам сирларини, умуман билимларни эгаллашга даъват этишига эътиборни жалб қилади.

С.Ильичёв фикрича, бутун инсонларда иходкорлик ғайрати уйғонадиган кун ҳисобланаркан. Шунинг учун, дейди у, ойлик режаларни тузиш, янги ишларни бошлаб юборишнинг аини пайти бутун. Лекин шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, бутун бошланган ҳар қандай ташаббус, ҳар қандай янги иш фақат иходкорлик руҳи синдирилган ва инсон бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, ўзи танлаган йўлдан охиригача собитқадамлик билан борган тақдирдагина яхшилик билан яқун топади.

Бугунги кун шахсининг камолотга эришиши, шахсий муваффақиятларини кўлга киритиши билан мароқли бўлади. Жамоа бўлиб ишлаш учун эса, бугунги кун унчалик қулай эмас. Илмга ҳамроҳ бўлмаган ва унга қизиқмайдиган кишилар учун ҳам бугунги кун қулай бўлмайди - улар кутилмаган тасодифлардан ҳимоясиз қолишади.

Кўш тақвимининг илк кунини (яъни бугун) қилинадиган ҳар қандай иш олдиндан пухта ўйлаб қўйилган бўлиши керак. Шошма-шошарлик билан, хом-хатала тузилган режалар барбод бўлади.

Яна бошқа бир мунажжимнинг гувоҳлик беришича, бугунги кун спорт беллашувлари, кураш ва жанговар олишув санъатлари билан шуғулланиш ва ўз саломатлигининг мустаҳкамлаш учун ҳам самарали бўларкан. Фақат танбаллик, руҳий тушкунликка берилмай, ҳаракатда бўлиш, иродамини мустаҳкамлаб боришимиз талаб этилади, холос.

Бугун тепангиздан ярқираб ўтган чакмоқ - катта хурсандчилик белгиси. Агар кун бўйи сизни қўшлар сайраши таъкиб этса, бу аждодлар сизга мададкор эканлигидан далолат - уларни ёдга олиб, руҳларини шод этинг. Ярқироқ буюм ёки нарсаларни топиб олиш - келажак омадингиздан дарак бўлади. Қандайдир суяқликни тўкиб юбориш, кийимнинг йиртилиши, тирногининг синиши нохушликлар ва айриликлардан огоҳлантириш демек. Тасодифан ўчиб қолган чироқ ёки олов ҳам нохушлик аломати ҳисобланади.

Ёрқин ва ёдга қоладиган тўшларни кўриш яхшиликка йўйлади. Тушда чакмоқ ва оловни кўриш ҳам эзгулик аломати экан.

Мабодо, бугун бетоб бўлиб қолсангиз - бу сиз ўз жаҳлатингизни ёмон бошқаришингиз ёхуд жаҳлингиз чиққанида ўзингизни тута олмаслигингизни билдиради. Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришингиз керак бўлади.

Кийимлардан ёрқин ва оққа яқин тусларини танлаганингиз маъқул. Бошдан-оёқ янги кийиниш ҳам омад келтириши мумкин. Қорамтир, ранги ўчган, куларанг ва қоп-қора либослардан воз кечинг.

БУГУН:
— узоқ сафарга ёки саёҳатга отланиш;
— илмий-тадқиқот ва сиёсат ишлари билан шуғулланиш;
— уй, гараж, ҳаммом қурилишини бошлаб юбориш;
— турли муаммоларни ҳал этишда аввало ўз билим ва салоҳиятигизга таяниб иш кўриш;
— дарахтлар ва гуллар парвариши билан машғул бўлиш тавсия этилади.

Ўзарлик қилиш, вазият билан ҳисоблашмай иш кўришдан тийилиш керак.

Саломатлик — тўнмак бойлик

АСР ВАБОСИ

ЁХУД ИНСОНЛАР ТАҚДИРИ ҚИЛ УСТИДАМИ?

Ҳозирги кунда бутун жаҳон халқлари терроризмдек даҳшатли иллатга қарши кураш олиб бормоқда. Шу билан бир қаторда гивандлик ва ОИТС ҳам дунё афкор оммасини ташвишга солиб келаятгани сир эмас. Махсус қузатувларга қараганда ҳеч ким ОИВ (орттирилган иммунитет вируси) ва ОИТС (орттирилган иммунитетни танқислиги синдроми)ни юктиришдан қафолатланмаган.

Кўпчилик ёшлар буни инкор этишади ва қуйидагича фикр юритишади:

«ОИТС/ОИВ гиванд ва фохишаларни зарарланттирапти. Мен ўзимни бу иллатдан ҳимоя қила олишимга ишонман».

«Бунинг менга дахли йўқ. Мен ундай эмасман» ёки «Бу менинг муаммоим эмас».

Ҳақиқатнинг юзига тик қараганимизда эса ОИТС Марказий Осиё мамлакатлари ёшларининг ҳам нобуд бўлишига ҳисса қўшмоқда.

Замонавий тиббиёт хулосаларига кўра ОИТСни ОИВ инфекцияси юзга келтиради. Вирус одам иммунитетини тизимини зарарланттиради ва унинг организми турли хил инфекцияларга ва ракка қарши курашиш лабқатини йўқотади. Минг афсуски ҳозирда ОИТС ва ОИВни даволловчи махсус дори-дармонлар яратилган эмас. Статистик маълумотлар дунёда ҳар кун 24 ёшгача бўлган 6000 дан ортик инсонлар ОИВ инфекциясини юктиришини, ҳар кун ОИТСдан 1600 га яқин болалар ҳаётдан кўз юмаётганлигини тасдиқлайди.

Шу ўринда савол туғилади: «Бундай вазиятда нима қилиш керак?». Бунинг фақат бир йўли бор — ўзини ва яқинларини муҳофаза қилишдир.

ОИВ нима учун хавфли?
— Чунки ҳозирча унга қарши на дори ва

на вакциналар мавжуд.

— Чунки ОИТС ўлимга олиб келади.

— Чунки ОИВ тез тарқалади.

— Вирус қандай қилиб юкади?

Аниқ маълумотлар вирус асосан 3 хил йўл билан юқишини исботлади.

1. ОИВга чалинган одам билан жинсий алоқада бўлганда; агар у химояланмаган бўлса;
2. Қон орқали; 3. Шу вирус билан касалланган онадан болага ҳомила пайтида, туғилиш ва кўкрдан эмишиш пайтида;

Хуллас, ҳар қадамда ОИВ билан касалланиш эҳтимоли кучлироқ. Биз ҳам бундан мустасно эмасмиз. Касалланганмисиз ёки йўқми? Буни билиш учун ҳар доим махсус тиббий кўрикдан ўтиб туришни қанда қилмаслик зарур. ОИВ билан оғирланларнинг узоқ вақт давомида (2 йилдан 15 йилгача) ҳеч қандай аломатлари юзга чиқмайди ва ҳасталикка чалинганлиги сезилмайди. Қонда ОИВ антителалари зарарлангандан 2-3 ой ўтгандан сўнг аниқлаш мумкин. Вирус антигенини эса анча олдин аниқлаш мумкин.

Агарда сиз шифокорга ўз вақтида мурожаат қилмасангиз, бундай вазиятларда салбий оқибатлар келиб чиқиш хавфи кўпроқ.

1. Сизда узоқ вақт давомида (2 йилдан 15 йилгача) ҳеч қандай касаллик аломатлари

бўлмайди.

2) Сиз бошқаларга бу вирусни юктириб юраверасиз. Секин-аста касаллик аломатлари пайдо бўла бошлайди, яъни организмда инфекция ва ракка қарши кураш қобилиятининг пасайиши туфайли бу ўлимга олиб келади.

ОИВ билан оғирган инсонларда қуйидаги аломатлар бўлиши мумкин: лимфа безларининг шишиб кетиш ва оғриши, бир ойдан ортик вақт ичида озиб кетиш, бир неча ҳафта мобайнида ич кетиш ва ҳароратнинг ошиши. Агар қайд этилган аломатларнинг бирортаси сезилса, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш лозимлигини унутманг.

Ҳозирги пайтда ОИВ ва ОИТСнинг олдини олиш мақсадида фақат биргина бизнинг мамлакатимизнинг ўзида республика ОИТС маркази ва уларнинг ишонч пунктлари, бундан ташқари «PSI» АҚШ билан ҳамкорликда ташкил этилган ОИТС маркази ва Япония билан ҳамкорликдаги «Wored vision» ташкилотининг 10 та ишонч пунктлари ҳам тинмай фаолият юритиб келмоқда. У ерда гивандлик, ОИВ/ОИТС ва жинсий йўл билан юқувчи касалликлар ҳақида маълумотлар, профилактик хизматлар, мутахассисларнинг маслаҳатларини олиш мумкин. Мазкур марказ ва ташкилотларда беморлар ҳақидаги маълумотлар сир сақланади.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, ёшларимизда ОИВ ва ОИТС ҳақида тўғри тушунча ҳосил қилдириш учун шу соҳа мутахассисларини турли ўқув муассасаларига тақлиф қилиш зарур. Улар бу касаллик ҳақида талаба-ёшларимизга тўла-тўқис маълумотлар бериб, уларни қизиктирган саволларга иложи борича муаммал даражада жавоб беришга ҳаракат қилишса нур устига аъло нур бўларди.

Азиза АЛИБЕОВА,
Ўзбекистон Тиллий
Узбекистети Мабас

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪЛОНЛАР

ХАМЗА ҚУРИЛИШ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ

ўқитишга тақлиф этади

2005-2006 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқувчилар қабул қилинади:

9-синф маълумоти билан:

- “Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси ва қурилиш дурадгори”
- “Ёғочга ишлов бериш ва мебелларни ишлаб чиқариш бўйича уста”
- “Тикув буюмларини ишлаб чиқариш ва моделлаштириш бўйича технолог”
- “Сув таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш ва таъмирлаш бўйича механик”
- “В” ва “С” тоифали ҳайдовчи гувоҳномаси берилади)
- “Электрон ҳисоблаш машиналари ва компьютер тармоқларини ишлатиш бўйича мутахассис”
- “Бухгалтерия аудитор”
- “Газ таъминоти тизими жиҳозларини йиғиш ва таъмирлаш бўйича механик” (“В” ва “С” тоифали ҳайдовчи гувоҳномаси берилади).
- “Автомобиль воситаларига техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича механик” (“В” ва “С” тоифали ҳайдовчи гувоҳномаси берилади.)
- Ўқиш муддати 3 йил

11-синф маълумоти билан (шартнома асосида сиртки бўлимга):

- “Ҳуқуқшунослик”
- “Бухгалтерия ҳисоби”
- Ўқиш муддати 2 йил 6 ой.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

1. Коллеж директори номига ариза.
2. Маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли).
3. 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.
4. Турар жойидан маълумотнома.
5. 3x4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат .

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Слоним кўчаси, 113-уй.
Телефонлар: 94-42-32; 94-08-94.

«Toshkent shahar dori-darmon» Давлат очик акционерлик бирлашмаси акционерлари диққатига:

2005 йил 29 майда соат 15-00 да Уста Ширин, 1-берк кўчаси 84-уйда бирлашма биносида акционерларнинг навбатдаги йиллик мажлиси бўлиб ўтади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Бирлашма бошқарувининг 2004 молия-ҳўжалик йили яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида;
2. Бирлашма янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш;
3. Бирлашманинг Қузатув Кенгашининг ваколатини бир йилга узайтириш;
4. Қузатув Кенгашининг 2004 йилдаги қабул қилган қарорларини тасдиқлаш тўғрисида;
5. Фойдаланмай ётган, ярқосиз автотранспорт воситаларини белгиланган тартибда

- ҳисобдан ўчириш ва сотиш тўғрисида;
6. 2004 йил якуни бўйича Жамият аудитори хулосасини тасдиқлаш тўғрисида;
7. 2004 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар ҳисоб varaгини тасдиқлаш тўғрисида;
8. Бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш тўғрисида;
9. Жамиятнинг 2004 йил яқунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш тартибини ва дивидендлар миқдорини тасдиқлаш тўғрисида;

10. Жамиятнинг 2005 йил учун бизнес-режасини ҳамда даромад ва харajatлар сметасини тасдиқлаш тўғрисида;
11. Жамият бошқарувининг аъзоларини сайлаш тўғрисида;
12. 2005 йил учун жамият аудиторини тасдиқлаш тўғрисида;
13. «Toshkent shahar dori-darmon» Давлат очик акционерлик бирлашмасининг Давлат улуши акцияларини янгидан ташкил этилаётган «Дори-дармон» акционерлик компанияси устав фондига берилиши тўғрисида.

Қузатув Кенгаши

Спорт

МУРАББИЛАР МАЛАКА ОШИРИШДИ

Кейинги йилларда Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан болалар ва ўсмирлар мураббийларининг малакасини ошириш борасида ибратли ишлар амалга оширилляпти.

Куни кеча Навоий вилоятида болалар ва ўсмирлар мураббийлари иштирокида ўқув машғулот йиғини ташкил этилди.

Ўттиз нафардан ортиқ мураббийлар иштирок этган ушбу машғулотларни Ўзбекистон футбол федерацияси вакили А.Климов олиб борди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳридан ташриф буюрган болалар ва ўсмирлар мураббийлари назарий машғулотлардан ташқари интернет тарбияланувчилари билан олиб бориладиган машғулотларни таҳлил қилдилар.

Жаҳон футбол ривожидан ҳикоя қилувчи видеотасмаларни кўришиб, ўзаро савол-жавоб кўринишида машқлар жараёнида келиб чиқадиган турли хил вазиятларни муҳокама қилдилар.

Шуниси эътиборликки, ушбу тадбир домида синов қатнашчиларининг машғулотларга масъулият ва қизиқиш билан ёндошганликлари маълум бўлди. Айниқса, шахримиздан борган мураббийларнинг машғулотларда фаол қатнашганликлари мутасаддилар томонидан эътироф этилди.

ДЎСТЛИК ГАЛАБА ҚОЗОНДИ

Америкаликларнинг миллий спорт ўйинларидан бири гольфнинг маънавиятига кириб келганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо шу ўтган қисқа давр ичида гольфга қизиқувчилар сони юртимизда кўпайиб бормоқда. Айниқса, ёшлар орасида гольфнинг омалашаётганлиги таҳсинга сазовор.

Куни кеча «Гольф» клубида иккинчи марта Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ташкиллаштирилган ушбу беллашувларда мамлакатимиздаги халқаро ташкилотлар ҳамда дипломатик корпус вакилларининг 11 та жамоаси голиблик учун кескин кураш олиб борди. Гольф билан мунтазам шуғулланувчи қирқ нафар спортчи қатнашган ушбу чемпионат қизиқарли ва мurosасиз курашларга бой кечди. Дарвоқе тадбир аввалида гольф билан эндигина шуғулланиш истагида бўлган ёшлар учун спортчиларнинг кўргазмалари чиқишлари ташкил этилди. Эрта тонгдан то кечга қадар мароқли ўтган мусобақалар якунида голиблар аниқланди ва улар мутасаддиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

(Ўз муҳбиридан)

Ўзбекистон Бадий академияси, бадий кўргазмалар дирекцияси ҳамкорликларида шахримизнинг Замонавий санъат марказида «Афғонистон ва Ўзбекистон усталарининг кулолчилик буюмлари кўргазмаси» очилди.

Кўргазмалар

КУЛОЛЧИЛИК БУЮМЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Таъкидлаш жоизки, ушбу кўргазма Афғонистонда хунармандчиликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фан ва таълим, маданият масалалари бўйича (ЮНЕСКО) вакиллиги, «Евроосиё» ҳамда «Хунармандларга кўмак» жамғармалари билан ҳамкорликда Ўзбекистон ва Афғонистон кулоллари

ўртасида тажриба алмашиш бўйича дастур лойиҳаси ташкил этилди. Ушбу лойиҳа иштирокчилари истеъдодли хунармандлар, кулоллар ҳисобланади. Афғон усталарининг Ўзбекистонга ташрифи, шунингдек, ўзбек кулоллари ушбу юртга ташрифи мазкур кўргазма ташкил этилишига сабаб бўлди.

Маълумки икки миллатнинг урф-одатлари, анъ-

налари бир-бирига яқиндир. Хусусан, афғон ва ўзбек усталарининг ижодий ҳамкорлиги натижасида ўзига хос ёрқин услуби, сюжет ва нақши билан бир-бирига яқин бўлган буюмлар яратилган.

300 дан ортиқ асарлар намойиш этилаётган ушбу кўргазма 15 июнга қадар давом этади.

Олдуз УСМОН

Футбол

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИ — ЧОРАК ФИНАЛДА

ЎЗБЕКИСТОН Кубоги нимчорак финалининг такрорий жавоб учрашувлари пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган «Трактор» ва «Локомотив» жамоаларига омад келтирди.

Дастлабки баҳсда сафарда «Самарканд-Динамо» жамоасига 1:2 ҳисобида имконияти бой берган «Трактор» футболчилари такрорий беллашувда ҳамжиҳат ва уюшқоқ ҳолда ҳаракат қилишди. Рақиблар дарвозаси томон уюштирилган ҳужумлар самара берди. Тракторчилардан Абрамов, Наукаров, Саломин томонидан йўлланган учта голга меҳмонлар Раҳмонкуловнинг аниқ ҳаракати туйғайли биттагина тўп билан жавоб бера олишди. Ва икки ўйин натижасига кўра чорак финалга йўлланма олишди.

Дастлабки беллашувда ўз майдонларида «Сурхон» жамоасини 3:0 ҳисобида мағлуб этган «Локомотив» футболчилари бу

сафар меҳмонда 1:2 ҳисобида «Сурхон»га енгилган бўлсаларда икки ўйиннинг якуний натижаларига кўра чорак финал йўлланмасини кўлга киритишди.

Қулган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Нефтчи» — «НБУ-Осиё» — 4:0; «Андижон» — «Машъал» — 0:0; «Навбахор» — «Сўғдиёна» — 3:1; «Қизилқум» — «Насаф» — 3:2; «Бухоро» — «Шўртан» — 2:0.

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистон Кубоги бахсларининг чорак финалига «Нефтчи», «Машъал», «Локомотив», «Трактор», «Навбахор», «Насаф», «Бухоро» жамоалари йўлланма олишди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

050: «Қутқарув хизмати»

хабарлари

СУВ ТОШМАЙДИГАН БЎЛДИ

Чилонзор тумани, 16-даха, 16-уй, 12-хонадон эшиги қулфланиб, ичкарида сув тошаётганлиги ҳақида фуқаро Ҳайитовадан хабар тушди. Катта лейтенант О.Шоносупов бошчилигида «Қутқарув хизмати» кутқарувчиси Б.Нуртоев томонидан махсус кенгайтирувчи асбоб орқали хонадон эшиги очиб берилди ва сув тошиши тўхта-тилди.

ПРОКУРАТУРА ХОДИМЛАРИГА ТОПШИРИЛДИ

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчи қисмига Чилонзор тумани, Туроб Тўла кўчасидан оқиб ўтадиган Бўрижар каналда одам жасади борлиги ҳақида Чилонзор туман прокуратура ходимларидан хабар тушди. Сержант М.Бектуров бошчилигида «Қутқарув хизмати»нинг «Сувда қутқарув гуруҳи» 3 нафар гаввос-қутқарувчилари Бўрижар каналда қидирув ишларини олиб боришди. Натижада 25-30 ёшлар чамасидаги номаълум эркак кишининг жасади топилди ва прокуратура ходимларига топширилди.

УЙДА ИЛОН УШЛАНДИ

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчи қисмига Собир Раҳимов тумани, Янгиёр кўчаси, 88-а уйда захарли илон борлиги тўғрисида фуқаро Мусабоевадан хабар тушди. Сержант М.Мансуров бошчилигида «Қутқарув хизмати» кутқарувчилари томонидан илон ушланиб, хавфнинг олди олинди.

«Қутқарув хизмати»нинг сержант М.Бектуров бошчилигидаги кутқарувчи гаввослар гуруҳи томонидан Шайхонтоҳур тумани ҳудудида оқиб ўтувчи «Калкавуз» каналдан шахси номаълум 35-40 ёшлардаги эркак кишининг қопдаги жасади олиб чиқилиб, «02» тезкор гуруҳ ходимларига топширилди.

Хуснияхон ТОЖИБОЕВА



Сўзсиз сурат. Абдурасул Ҳақимов чизган расм.

ХАНДАЛАР

Симёғочдан тушган монтер хуноби ошиб гурданди:

- Узиб ташлашибди...
- Тинчликми, огайни? — сўради унинг ишини кузатиб турган киши.
- Кўрмайсизми, битта қўймай симларни узиб кетишибди.
- Ахир сиз симёғочга эмас, теракка чиқдингиз-ку. Симёғоч бу томонда.
- А?..

Бемор шифокорга қоп-қора тилини кўрсатди.

- Нима бўлди. — Ҳайрон бўлиб сўради шифокор.
- Қўйнимдаги «яримта» янги асфальтга тушиб кетганди!..

— Бизда неча бошлик бор?

- Тўртта.
- Ие, биз иккитасини сайлаган эдик-ку!

— Аёлларини унутдингми аҳмоқ?! Тунов куни телефонда машина юбор, деб аёлининг шанғиллаганини англамадингми?

— Кичкина ерининг кесиб олиб намунча йўғон доқа боғлаб олдинг?

- Доканинг хажмига қараб, бюллетень ҳам узоқ бўладида.

— Сен бошлигинга салом берганда толга ўхшаб эгилиб кетар экансан-а.

- Шунга қараб ҳақ оламан-да.

Жарроҳ операциядан чиққан беморга деди:

- Мени кечирасиз биродар, операция қилинган жойингизни яна очишга тўғри келади.

— Нера энди дўхтир?

— Паришонхотирлик курсин, ошқозонингизда соатим қолиб кетибди.

— Э, шунақа деймасизми? Мана, пул, бошқа соат сотиб ола қолинг.

Жуда ҳам қимматбаҳо кийимлар кийган зиёли лифтва кириб, ундаги 2x2 келадиган барзангига қўзи тушди. Ва кўрқанидан унга бақрайиб қотиб қолди. Шунда барзанги моомкалдироқдек гулдирган товушда: — бўйим-икки метру 10 сантиметр, вазним — 130 килограмм, кўкрак қафасим — 2 метр, белим — 1 метр... Яхшибоев Ешим!

Шўрлик зиёли ўзидан кетиб қолаёзди. Бир неча дақиқадан сўн ўзига келган, ҳайрон бўлиб қараб турган барзангига:

— К-кечирасиз? Ҳалиги гапларингизни қайтара олмайсизми?

— Ўзим спортчиман. Менга шундай ўқрайиб қарадингизки, журналист дея хамиша бир хилда бериладиган саволларга жавоб бериб юборибман: — бўйим — икки метру 10 сантиметр, вазним 130 килограмм, кўкрак қафасим — 2 метр, белим — 1 метр, исм-шарифим Яхшибоев Ешим...

— Худого шукур-ей!!! Мен «Яхшиликча ечин» деяпсизми, деб ўйлабман.

Абшукур ялқов дадасининг талаби билан кундалик дафтари кўрсатди. Дада-си ўқияпти: «Она тили — 2, математика — 2, физика — 2, ашула — 5. Ё тавба! Яна бунинг қўшиқ айтганига ўлайми?»

Қаҳвахонага кирган мижоз буетчига деди:

- Менга бир қадаҳ коньяк!
- Марҳамат, қайсидан?
- Анави беш юлдузликдан.

Буетчи қўйиб узатди. Коньякни ичган мижознинг эса шу заҳоти жони узилди, ерга қулади. Буетчи шийанинг қоғозига олтинчи юлдузни чизиб қўйди.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Буюртма Г-509.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибқоқ офсет усулида босилган. 3684 нусxada босилди. Қўлғи бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Напр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтантига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишони»нинг компьютер марказида теркили ва сақийланиди.

«Шарқ» нашрийат-матбос акциядорлик компанияси босмоқхонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.